



Олтириқ туманида ҳам пиллани йиштириб олиш бошланди. Айни пайтда туман пиллачилари пилла теримига қизгин киришилди.

СУРАТДА: илгор пиллачи Нафиса Кундузова.

Фаргона вилояти

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Нозим бобонинг ҳайрати

Ёки 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni арафасида сўлим боғлар болажонлар ихтиёрида

Боласининг қувнаши ва мазза қилиб ўйнаб-қулиши қайси ота-онага завок бағишламайди дейсиз. Ёз яқинлашган сайин дам олиш майдонлари, истироҳат боғлари ўзгача қиёфа касб этади. Турли аттракционларда учаётган болажонларнинг қий-қирғини эшитган киши бегубор болаликка қайтишни, уларга ўхшаб чин дилдан хурсанд бўлишни орзу қилади.

Бугунги кунда дам олувчиларга кунлидагидек хизмат кўрсатиш мақсадида пойтахтдаги барча маданият ва истироҳат боғларида ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари жадаллик билан олиб борилади. Жумладан, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига катта тайёргарлик кўрилди. Ушбу боғ дам олувчилар сони жиҳатидан ҳам, турли байрам ва тадбирлар ташкил этишда ҳам Республикада биринчи ўринда туради.

Болажонлар байрами арафасида мазкур боққа таширив буюрар эканмиз, минглаб гўдаклар учун турли

маданий тадбирлар, ўйинлар, куй-қўшиқлар ва цирк томошалари намоиш этилаётганига гувоҳ бўлдик.

1960 йилларда боғ ўрни паст-баландликлардан иборат, тиканак ўсиб ётган ташландиқ жой эди, дейди истироҳат боғининг бадий раҳбари Мирзахмад Содиқов. —Талаба ёшлар, маҳалла фаоллари ташаббуси билан 1967 йилда ушбу боққа асос солинган. Жорий йилда боғнинг кирк йиллиги кенг нишонланади. Қирк йиллик тарихга эга бўлган боғнинг умумий майдони 22 гектарни ташкил этиб, шундан етти гектарини бир-бирига улашиб кетган иккита кўл эгаллаган. Мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахтлар қад ростлаб турган боғда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Йигирмадан ортиқ турдаги ўйин қурilmалари болажонлар ихтиёрида.

Боғ маъмурияти томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, кам таъминланган, но-

гирон болажонлар учун қизиқарли концерт дастурлари ва турли ўйин тадбирлари уюштирилмоқда. Улар боғдаги барча аттракционлардан бепул фойдаланиб, мўъжазгина хайвонот боғида сайр қилишапти. Бу боғ нафақат пойтахт аҳолиси, балки юртимизнинг олис шаҳар ва қишлоқларидан келган меҳмонларга ҳам манзур бўлмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni муносабати билан болажонлар учун боғда "Дилбандим" хайрия концерти ўтказилди. Унда меҳрибонлик уйларининг тўрт юздан ортиқ тарбияланувчилари иштирок этиди. Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари мароқли ўттиши учун боғ маъмурияти ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда махсус дастурлар режаси ишлаб чиқилди. "Чоршанба болалар кунлари" деб номланган тадбир Чилонзор туманидаги мактаб оромгоҳларида ва соғломлаштириш

Эътибор



Дунё саҳнасида



Истам ИБРОХИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Афшона музейи бойимокда

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғида жойлашган музейдаги экспонатлар сони янада кўпайди.

Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жан-Бернар Харт бошчилигида таширив буюрар ушбу давлат вакиллари машҳур бобоқалонимиз томонидан яратилган "Тиб қонунлари" асарининг XIV асрда араб тилидан кўчирилган ва кейинроқ франциялик Жерар де Кремен томонидан лотинчага ўтирилган намуналари ҳамда 1447-1448 йилларда Ибн Синога бағишлаб ёзилган тадқиқот қўлёзмаларининг нусхаларини топширди.

Қомусий олимнинг ҳаёти ва бой илмий меросини ўрганишда Парижда фаолият кўрсатаётган "Авиценна-Франция" ассоциациясининг ҳам хизмати катта. Мазкур нодавлат ташкилот ўзбекистонлик шифокорларнинг хорижда малакасини оширишга хисса қўиш билан бирга маданий ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. 2003 йилдан буён ассоциация Афшонадаги Абу Али ибн Сино музейи билан яқин алоқа олиб боради.

Европадаги катор мамлакатлар музейларида, нуфузли кутубхоналарда Ибн Сино асарлари қўлёзмаларининг нусхалари, унинг ҳаёти ва фаолиятига доир ҳужжатлар сақланмоқда, дейди ассоциация раҳбари Марк Боннел. — Биз улардан нусха олиб, Афшонадаги музейга етказишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорлигимиз доирасида бу музейни бойитишга ўз хиссамизни қўиш келмоқдамиз.

Франциялик меҳмонлар ҳамда Пешку тиббиёт коллежи талаба ва ўқитувчилари иштирокида аллома ҳаётига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Европада, хусусан, Францияда юртимизга, унинг кўна тарихига, улуг аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросига қизиқ кучли экани ёшларда фахр ва гурур ҳиссини уйғотди.

(ЎЗА)

Маҳалла маслаҳатчилари форуми

Фармон ва ижро

ҚАШИ шаҳрида «Жамиятнинг демократик янгила-нишида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида форум бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир-да шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этиди.

Аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарғибот ишларини олиб боришда маҳалла маслаҳатчиларининг алоҳида ўрни бор, дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Инобат Каримова. — Шу боис, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туманлардаги бўлимларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Бош маслаҳатчилар 586 маҳаллада фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиларнинг ишини мувофиқлаштириш билан бирга, уларга амалий ёрдам кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи-

ни ошириш бўйича вилоятда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар кўмиталари моддий-техника базаси мустаҳкамланди, иш услублари такомиллаштирилди. Аёлларнинг бандлик даражасини ошириш, улар ўрта-сида жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларини қайтариш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бора-сида олиб борилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» фаоллари билан олиб бориладиган тарғибот ишлари натижасида партиялар сафида хотин-қизлар сони ўтган йилларга нисбатан 25 фоизга ошди. Хозирги вақтда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг 13 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари-

да, корхона ва ташкилотларда, ҳарбий қисмларда хотин-қизлар кенгашлари иши фаоллашмоқда.

Аёлларни спортга жалб этиш, уларнинг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш, соғлом оилани шакллантириш мақсадида маҳалла маслаҳатчилари, даволаш профилактика муассасалари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда комплекс профилактик ўқув-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

«Вилоят хотин-қизларини 2005-2007 йилларда иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш» дастурига асосан қарийб 32 минг янги иш ўрни яратилди. Ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида маҳалла маслаҳатчилари ва меҳнат инспекторлари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши натижасида, биринчи галда, хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаган хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратишга, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилаётди.

Форумда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев қатнашди.

А. МУХАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири.

Жарён

Замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга

ЖИЗЗАХ политехника институтида замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга таътиқ этиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ва Жиззах шаҳар ҳокимликлари, «Ўзавтотўл», Ўзбекистон темир йўллари, «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзоғирсанот» илмий-текириш институти, «ЎЗЭКАИД» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ҳамда Жиззах политехника институтини мутахассис ва олимлари иштирок этишди.

Конференциянинг амалий қисмида иштирокчилар шўба-ларга бўлиниб, иш қўишди. Айниқса, «Физикавий катталикларнинг номлари ҳақида», «Аэродинамик куч таъсирида пахта массасининг гармоник ҳаракати», «Фориш туманида учрайдиган оқувар ўсимлигининг сув режими ва муҳитга мосла-ниши» мавзуларидаги маърузалар конференция қатнашчи-ларида катта қизиқиш уйғотди.

Ноғирон болаларга компьютер

МИРЗАЧЎЛ туманида мактабга қатнай олмайдиган олти нафар турли ёшдаги ноғирон болалар яша-ди. Туман халқ таълими бўлими раҳбарияти томонидан уларнинг ўқиш, билим олишлари учун уйлари-га бориб, таълим берадиган ўқитувчилар тайинланган. Бу ғажабдан болалар билан қатерда, ота-оналар ҳам беҳад миннатдор бўлишмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги ташаббуси билан уларга бепул компьютер совға қилинди.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Жиззах вилояти

Куннинг муҳим воқеалари

ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихи ва маданиятидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция, ушбу тадбирга бағишланган кўргазма ҳамда Ўзбекистон санъати усталарининг концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ҳамда «Маданий бойликлари-нинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонунларнинг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Фаргона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуасида «Chellenger» анъанавий халқаро турнири якунланди.

Тошкент давлат юридик институтини таълимимиз олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ҳуқуқшунос-лик фанидан олимпиада ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда таъ-килланган «2007 йилнинг энг яхши тарбия-чиси» республика кўри-танлови низоёсига етди.

Ўзбекистон Бадий ака-демияси ҳамда Хивадаги «Ичан қалъа» музей - кўри-қонаси ҳамкорлигида тўрт жилдан иборат «Ичан қалъа» альбом-каталоги нашр этилди.

Қўқон маиший хизмат касб-хунар коллежида Минтақавий малака оши-риш ва қайта тайёрлаш маркази иш бошлади.

Тошкент вилоятида «Ўзбекистон — кўп миллатли оила» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Бухоро шаҳрида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган енгил атле-тика эстафетаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштиру-чи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйининг янги биноси фойдала-нишга топширилди.

Хабарлар

Аждодлар мероси

Бухоро шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунарманд-лари танлови вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари сафида кўплаб ёш ҳунар со-ҳибларини учратиш мумкин эди.

— Тўрт йилдирки, гиламдўзлик билан шуғулланиб ке-ламан, — дейди Истат Яхшиева. — Яқинда интернет орқали Москвадан буюртма олдик.

Кўргазма якунида ўз йўналишида голиб деб топилган ўн нафар ҳунарманд номи эълон қилинди. Энди улар Самарқандда бўлиб ўтадиган «Аждодлар мероси — бе-киёс бойлигимиз» деб номланган кўргазмада қатнаша-дилар.

Янги марказ

Бухоро туманида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари сони тўрттага етди. Яқинда тумандаги 1-мактаб ҳузурида ўз жамғармасида 33 мингтадан зиёд китоб бўлган марказ иш бошлади.

У тўртта йирик тармоқ кутубхонасининг қўишилиши асо-сида ташкил топди. Мамлакатимиз Президентининг «Рес-публика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш-ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, туман-да яна бир нечта шундай марказ фаолияти йўлга қўи-лади.

Истам ИБРОХИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Спорт оламида



Менгнор ОЛЛОМУРОВОД, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

«Билайн» Сурхондарёда

Алоқа хизмати кун сайин ривож топмоқда. Сурхондарёда Россиянинг «Билайн» уйли алоқа хизмати иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Кеча «Билайн» компаниясининг вилоят филиали очили-шига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда «Билайн» компанияси раҳбария-ти томонидан вилоят солиқни сақлаш бошқармасига «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан «Тез тиббий ёрдам»га мўлжалланган «Дамас» енгил автомашинаси совға қилинди.

Очилиш маросимида «Билайн» алоқа хизматининг ви-лоятнинг энг кенча, олис ва тоғли қишлоқларида ҳам йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик — танлов

Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрида ёш раққосларнинг кўрик — танлови бўлиб ўтди. Ёш раққослар Мукаррама Турғунбоева яратган ва саҳнага қўйган дилбар рақсларни намойиш этидилар.

Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан уюштирилган бу танловда барча туманлардан истеъдодли раққослар иштирок этиди. Шўрчи тумани маданият уйи раққосаси Лобар Жумаева танлов голиби, деб топилди. Барча голиблар эсдалик совғалари ва фахрий дипломлар билан тақдирландилар.

Менгнор ОЛЛОМУРОВОД, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Хусусий телеканал можааролари

Венесуэлада хусусий телеканалнинг ёпилиши ортидан вужудга келган норозилик намоийшлари давом этмоқда.



Мамлакат раҳбари Уго Чавес утган куни Венесуэланинг ягона хусусий телеканали — RCTVни ёпиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Уго Чавеснинг фикрича, бу телеканал мамлакат тизимига ҳаф солиб келмоқда.

Президент қароридан RCTVга тегишли барча қурилма ва иншоотлар давлат ҳисобига ўтказилиши кўзда тутилган.

Бу чекловдан сўнг 1953 йилдан буён фаолият юритиб келатган RCTV ходимлари ва тарафдорлари Каракасда норозилик намоийшлари бошлаб юборишган. Намоийшчиларни тарқатиб юбориш учун полиция сув пулкари ва кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Сиёсий бўҳрон чекинмоқда

Украина президенти Виктор Ющенко мамлакатда вужудга келган сиёсий инқирозга барҳам берилганини маълум қилди.

Президент ва бош вазир Виктор Янукович ўртасида кечган 12 соатлик музокарадан сўнг сентябр ойи охирида парламент сайловларини ўтказишга келишиб олинган. Мамлакат раҳбари қароргоҳида бўлиб ўтган музокарадан сўнг Ющенко Янукович билан елкама-елка туриб украинликларга "Украинадаги сиёсий бўҳрон барҳам топди, биз узоқ чўзилган келишувлардан сўнг бир тўхтамга келишга муваффақ бўлдик", дея мурожаат этди.

Президент ва бош вазир ўртасидаги зиддиятлар ўтган ойда Ющенконинг парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан аввал сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонидан сўнг вужудга келган эди.

Ольмерт огоҳлантирди

Фаластин жангарилари Исроилга таҳдид қилишни давом эттираркан экан, расмий Тель-Авив кенг қамровли ҳарбий амалиёт бошлашга мажбур бўлади.



Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт шу ҳафта баёнот берди. Бош вазирнинг ушбу баёноти Исроилнинг Сдерот шаҳрига ХАМАС жангариларининг навабатдаги "Кассам" ракетаи келиб тушганидан сўнг янгради. Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра, ракета зарбалари оқибатида бир нафар маҳаллий аҳоли вафот қилди.

Бу зарбага жавобан Исроил ҳаво қучлари Газа секторига ҳужумлар уюштирган.

Суиқасд сабаби нима?

Япониянинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги вазирини Тосикацу Мацуока ўз жонига қасд қилди.

РИА "Новости" хабарларига кўра, ҳукумат аъзоси хонасидаги эшик тутқичига ўзини осган. Бундан хабар топган котиба вазирни сиртмоқдан бўшатган. У оғир аҳволда Кёёо шифохонасига етказилган, бироқ 62 ёшли Мацуока юрак тўхташи оқибатида оламдан кўз юмган. Маҳаллий полиция вазирнинг ўз жонига қасд қилишига ақидида унга нисбатан илгартирилган айбловлар сабаб бўлгани тахмин этилмоқда. Тосикацу Мацуока молиявий фирмани раҳбарлигида ўз лавозимини суицистмол қилишда айбланган эди. Вазир жонига қасд қилишдан аввал хат қолдирган. Ҳозирча унда нима битилгани маълум эмас.

"Тақир бош"нинг қилмиши

Россиялик 18 ёшли ўсмир 37 та қотилликда қўли борлигини тан олди.

Артур Рино келиб чиқиши армяноистонлик бўлган Карен Абрамяннинг ўлимида гумон қилиниб, сурак қилинганда шу ҳафта айбон ўтган. Шу йилнинг 17 апрелида Карен Абрамян уч нафар "тақир бошлар" томонидан ваҳшийларча пичоқлаб ўлдирилган эди.

Артур Рино "тақир бош" ўртоқлари билан содир этган барча қотилликлар ирқчилик туфайли эканини тан олган. Айбланувчи берган маълумотларга асосан яна бир неча миллатчи ёшлар қўлга олинган.

Дехли сигирлардан безор

Ҳиндистоннинг Дехли шаҳри маъмурияти мамлакат Олий судига пойтахтдан сигирларни қувиш талаби билан чиқди.



Ҳисоб-китобларга кўра, Дехлида 2300 дан зиёд ноқонуний сутчилик фермаси мавжуд экан. Бу фермадаги 28 мингга қарамол пойтахт кўчаларида бемаъл "сайр" қилиб юради. Шаҳар маъмуриятининг Дехлини замонавий қўрилишга олиб келиш мақсадидаги бу уринишлари анча қаршиликларга дуч келмоқда. Аксарият маҳаллий аҳоли вакиллари Ҳиндистонда муқаддас ҳайвон саналадиган сигирларни шаҳар кўчаларидан ҳайдашга қарши чиқишган, дея хабар қилади The Times газетаси.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 29 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1032,16	1 Польша злотийси	444,90
1 Англия фунт стерлинги	2500,75	1 СДР	1907,08
1 Дания кронаси	227,67	1 Туркия лираси	947,22
1 БАА дирҳами	343,24	1 Швейцария франки	1027,28
1 АҚШ доллари	1260,27	1 ЕВРО	1695,82
1 Миср фунти	221,68	10 Жанубий Корея вонги	13,56
1 Исландия кронаси	20,37	10 Япония иенаси	103,62
1 Канада доллари	1167,35	1 Россия рубли	48,63
1 Хитой юанси	164,77	1 Украина гривнаси	249,56
1 Малайзия ринггити	372,15		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ризқ-рўзимиз бўлган бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш мавсуми бошланмоқда. Мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олинган, ҳар йили тақдорланадиган бир кўнглисиз ҳодисанинг олдини олиш юзасидан ҳозирдан тайёргарлик кўришимиз лозим. У ҳам бўлса экин майдонларидан бўшаган ерда сомон қолдиқларини ёқиш.

Маълумки, кўпчилик экин майдонлари соҳиблари сомон қолдиқларини ёқишни экин майдонларини навабдаги экинга ҳозирлаш билан изоҳлайдилар. Ерни экинга тайёрлаш учун, албатта, сомон қолдиқлари ёқирилиши шартми? Олимларимиз, кўплаб тажрибатор деҳқонларимиз фикрича, тақририй экин экиш учун ерни ҳайдаш шарт эмас. Сомонлар ва тўқилган бошоқлар имкон даражасида йиғиб

лояти ҳудуди бўйича аниқланган 150 дан ортиқ сомон ёқиш ҳолатлари юзасидан маъмурий жазога тортилган фермер хўжалиғи раҳбарларидан жами 5000000 сўмдан ортиқ жарима ундириб олинди. Ҳўш, бундан қим наф қўрди? Аслида, озуқа базаси бўлган сомонни ёқиш исрофгарчиликдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини фақат кечроқ англадик, холос. Бу йилги мавсумда ушбу ҳолат содир этиладиган бўлса, жазо чоралари янада каттароқ бўлди - қонунбузарликка йўл қўйган фермерлардан қўшимча қамиди 50 млн. сўм тоvon ундириш ҳақида даъво қўзғатиш лозим бўлади. Чунки 2007 йил 4 январдан қўнға қирган "Бошоқли дон экинлари пояси сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича

Сомон қолдиғи ёнганда

фақат сомон қолдиғи тутуни эмас, ризқу насибамиз, мол-мулкимиз ҳам ҳавога учади.

олинган, ерларга югуртириб сув берилиши, уни чуқур қизиллаб ёки экин экиладиган қаторлар юмшатилиб ҳар қандай турдаги экин экиш мумкин. Бунинг анчагина афзал томонлари борки, жумладан, ердаги нам сақлаб қолинади, экинган қўчат ёки уруғларга сомон пояси соя бериб, унинг ривожланишини тезлаштиради. Дон экинларидан қолган озуқа моддаларини янги экин томонидан ўзлаштириш тезлашади.

Қолаверса, сомон қолдиқлари ер бағрида ҳосил берувчи экинлар учун яхшигина, чириндан сақлайдиган тўшма сифатида ёрдам беради. Бу усул аввалдан ота-боболаримиз томонидан қўллаб келинган. Утган йили Сирдарё вилояти Оқолтин тумани фермерлари ҳам полиз экинларидан унинг самарасини синаб қўрдилар.

Сомон, ўз навабидан, чорвачилик учун қаттагина озуқа базаси бўлиб, уни кўр-кўрона ёқиб юбориш, аввало, исрофгарчиликка йўл қўйиш дедик. Бундан ташқари, ерларнинг унумдор устки қатлами ёниб, 20 см чуқурликкача исиб кетиши натижасида тупроқнинг барча хусусиятларига зийн етди. Сомонга қўшилиб далаларда сочилиб ётган плёнка қолдиқлари, баклажалар, ҳар хил чиқиндиларнинг ёниши туфайли атмосферага чиқариладиган канцероген захарли моддалар, ҳосил бўладиган ис газини (СО₂) ҳавога тарқатилиб бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Шу ўринда мурожаат учун: 2006 йили биргина Тошкент ви-

Низомни тасдиқлаш ҳақида" бир қатор тегишли вазирлик ҳамда идоралар қарорига кўра ёқилган ҳар бир гектар бошоқли дон экинларининг ҳисобидан ер балл бонитети, ҳосилдорлиги ва дон маҳсулотлари харид нархига асосланиб маъмурий жарималар тортилади.

Энг ачинарли ҳолат шундан иборатки, сомон ёқирилиши туфайли дала атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тут дараклари, шу ерда яшаётган майда, фойдаланарканликлари раҳбарлари, деҳқонларимизга мурожаат этиб, шунини таъкидлашни истардики, кейинги йилларда авж олаётган сомон ёқиш ҳолатига барҳам бермасак, ўз оёғимизга ўзимиз болта ураётган бўламиз.

Зеро, беҳудуга ўт қўйиб "дўзах аломати" бўлган ёнчиларнинг содир бўлмаслиги, исрофгарчиликка йўл қўймасликка барчамиз масъул эканлигимизни эсдан чиқармайлик.

Абдумутталиб АБДУҲОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти табиати муҳофазаси
қилиш қўмитаси нозирлик бўлими бошлиғи.



Беруний туманидаги "Беруний" АЖ пахта тозалаш заводи бир мавсумда 35 минг тонна хом ашё қабул қилиш имкониятига эга. Айни пайтда ушбу корхона жамоаси анги мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Бу жараёнда уста чилангарлар Қўзбой Сотимов ва Тўхтабой Абдунозир ўзига хос хизмати бор.

СУРАТДА: Уста чилангарлар Қўзбой Сотимов ва муҳандис Акрам Эшназаров.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Дала ва дўкон орасида

"Ангор соҳибкори" агрофирмаси ўтган йили Президентимизнинг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси маҳсули сифатида таъмин этилди. "Ғуломов Бахриддин" фермер хўжалиғи таъсисчи бўлиб қирган агрофирманинг бугун ўрганишга арзигулик тажрибалари бор.

Маълумки, ўтган йили Тошкентда "Ўзагроиниҳтех Экспо-2006" минитехнологиялар кўргазмаси бўлганда. Ангор туманидаги бир гуруҳ тадбиркорлар қаторида "Ангор соҳибкори" ҳам қатнашиб, Россиянинг соатига 500 килограмм мева-сабзавот қуритадиган ва қадоклаш линиясини сотиб олишга шартнома тузиб қайтганди. Муҳими, унинг маҳсулотига харидор

ҳам ўша ернинг ўзида топилди. Уни россиялик тадбиркорлар сотиб олишадиган бўлди. Энди тайёр маҳсулот оморхонада харидор кутиб қолмайди.

Ҳар йили тонналар исроф бўлаётган ёки сув текинга сотилаётган маҳсулот энди зарарига қетмайди. Шунингдек, агрофирма натижасида пайдо бўлган дала дўконлар, қуритиш-қадоклаш цехлари



* "Швиц" бир йилда 5,5 тонна ёғли сут беради. Бу ҳозирча...

* Комилжон ота олимлардан тавсия олди ва барака топди

* Шогирд эса соядан келадиган фойдани ҳисоблаб чиқди, натижалар янада яхши

Республикамизнинг кўплаб фермерлари кўрғонтепалек Комилжон ота Содиковнинг чорвачилик борасидаги ютуқларига ҳавас билан қарашади, маслаҳатлар олишади ва ўзларини шогирдликка муносиб қўришларини илтимос қилишади. Дарҳақиқат, отахон бошқараётган "Аваз" насли қорамолчилик ферма-заводида эришилаётган натижалар ҳозирча республикамизда кўпчиликка кўз-кўз қилса арзигулик бўлиб турибди.

"Швиц" зотли қорамолчиликка ихтисослашган ушбу жойда ҳар бош сигирдан йилга 5,5 минг килограммдан зиёд, ёғлилик даражаси юқори бўлган сут соғиб олинмоқда. Отахон бу натижалардан қониқиб ҳосил қилмайди. Ақинча, иланиш ва интилиш йўлида асло қарчамайди.

—Фермер хўжалиғи ташкил этганимга ҳам 14 йил бўляпти, — дейди Комилжон ота. — Бу вақт ичида шунга амин бўлдимки, "сигирнинг сўти тилида" деганлар ҳақ экан. Демокриманки, озуқа хилма-хил ва таркиби бой бўлса, зотли пода яратиш осон кечаркан. Олимлар билан бамаслаҳат иш туттиши, уларнинг тавсияларига изчил амал қилишни ўзимга ҳамиша одат қилиб олганман. Ниятим, ҳар бош сигирдан сут соғиб олишни йилга 7,5-8 минг килограммга етказиш.

Комилжон отанинг кенжа шогирдларидан бири — Иброҳимжон Мадалиевнинг зотли қорамолчилик билан шуғулланаётганига эндигина 2 йил бўлди. Экинзорлари бир-бирига туташ устоз ва шогирд озуқа экинлари таркибига соя ўсимлигини ҳам қўшиб борасида ҳаракатга тушиб қолди. Иброҳимжон қаердадир соянинг кучли озукабоп экин эканлигини, айниқса, унинг донидан тайёрланадиган сўний сут ёш бузоқларни тез ўсти-

ришда муҳим омил бўлишини эшитиб қолди. Наслчилик иши билан шуғулланадиганлар яхши билишади. Янги туғилган бузоқ кунига қамиди 6 килограмм сут ичади. Шундай бузоқлар бўладики, 10 килограммча сутни бемалол ҳазм қилади. Унинг ривожланиши ҳам бевосита сут билан боғлиқ.

Иброҳимжон Андижонда-

Таҳлил

ги сўғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти олимлари олдиға борди. Дуккакли экинлар билан шуғулланувчи олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маъмурахон Маннопова билан бўлиб ўтган мулоқот Иброҳимжон Мадалиевнинг соя донига бўлган қизиқишини янада ортиртиб юборди. У берилган тавсияга кўра соя донини тегирмонда тортириб, сўний сут тайёрлашни йўлга қўйди. Шундан сўнг битта бузоқ кунига 6 килограммдан сут ичадиган бўлса, шунинг 60 фоизини соядан тайёрланган сўний сут ташкил этди. Бузоқларнинг дурқун ривожланиши кундан-кунга аён бўла бошлади. Бундан қўрилаётган иқтисодий фойданинг самараси янада ойдинлашгандан сўнг Иброҳимжон Мадалиев 23 гектар ерга баҳорги соя экди. Ахир шу иланиши туфайли даромадига ҳар ойда 3 миллион сўмдан қўшилди, бу қимга ҳам ёқмайди?!

—Мен ҳам шогирдимнинг бу ишига астойдил қизиқиб қолдим, — дейди Комилжон ота. — Ҳалладан бўшайдиган 10 гектар ерга тақририй экин сифатида соя экишнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйдим. 55 бош сигирим бор. Уларнинг ҳар биридан биттадан бузоқ оламан. Уларнинг ҳар боши ҳисобига кунига 3,6 килограммдан

табиий сут иқтисод қилсам, бир йилдаги тежамкорлик хўжалигим бўйича 18 миллион сўм бўларкан. Шогирдимнинг бузоқларни соядан тайёрланган сут билан парвариш қилиши ана шундай иқтисодий самара берапти.

Маъмурахон Маннопованинг бизга берган маълумотлари бўйича соя оқсилга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хуллас, соя таркибида шундай моддалар борки, улар кўпгина экинларда мавжуд эмас. Шундан бўлса кераки, дунёнинг кўп мамлакатларида соянинг қадри жуда баланд. Уни саноат йўли билан қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ундан олинадиган маҳсулотлар озиқ-овқат саноатида ҳам



кенг қўлланилади. Олимларнинг таъкидлашларига қараганда, соя экиннинг яна бир жиҳати борки, ҳар қандай камбағаллашган тупроқни тирмилтиришга қодир.

Демак, фермерларнинг дуккакли экинлар, жумладан, соя парвариш қилишлари катта наф қелтиради. Иброҳимжон Мадалиев ва Комилжон ота Содиковнинг чорвачилик ривожини учун бу экиндан фойдаланишга астойдил киришадиганликларни замирида айни бир вақтда иккита муҳим масала ечимини топишдек олижаноб мақсад муҳасан. Зеро, соя тўйимли таом, чорвага озуқа, она заминимиз учун эса унинг таркибини бойитиладиган, даволайдиган табиб вазифасини бажаради.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Андижон вилояти



Агрофирма эса, дала-дўкон тартибини йўлга қўйди. Утган йили юз тонна эртаги картошка Тошкентдаги "Миробод деҳқон бозори"га юборилди. Утган йилнинг биринчи ярмида эса ҳаммаси бўлиб 1608 тонна маҳсулот шу бозор расталарида жой олди. Бу йил пойтахт бозорига биринчи чоракда 162 тонна маҳсулот жўнатилган. Энди ҳар бир чоракда 500 тонна картошка йил давомида эса 1000 тоннадан ортиқ полиз ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш мўлжалланган. "Ангор соҳибкори" агрофирмаси бош менежери Шавкат Шоназаровнинг айтишича, бу йил фермерлар, қороналар кучи билан 1785 тонна мева, 567 тонна узум, 47 тонна картошка, 580 тонна полиз ва 3379 тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрланди. Ҳали бунга аҳоли томонларидан етиштирилганлари кирмайди.

Ваҳоланки, агрофирма аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу йил агрофирма томонидан қўшни республикаларга 300 тонна мева, 500 тонна сабзавот, 100 тонна узум, 200 тонна полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиш

бўйича шартномалар тузилган.

Деҳқончиликнинг равнақи, соҳибдорлик тажрибаси, ердан унумли фойдаланиб, катта даромад олиш ҳақида гап кетса, Сурхондарёнинг кўп жойида "ангорликлардан ўрганиш керак. 20 сотих томорқадан 2-4 миллион сўм даромад қилишади", дейишади.

Келинг, оддий бир томорқачи деҳқоннинг иши билан танишайлик.

Ангор тумани, Баҳор маҳалласида яшовчи Саидмурод Жумаев шундай дейди: —15-20 сотих ерда деҳқончилик қиламан. Утган йили пиёз экидик. Ҳосил салкам 20 тонна, пули 2 миллион сўмдан ошди. Сўнг ўрнига помидор қўчати қададик. Ҳосил мўл бўлди, даромадимиз бир миллион сўмга етди. Ҳозир эккан қарамимизни машиналарга юклаяпмиз. 15-20 тонна чиқса керак. Даланнинг ўзида қилосини 200-250 сўмдан олишапмиз.

Менгнор ОЛЛОМУРОВОД,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Сурхондарё вилояти

Молиявий мадад — тараққиётга қанот

Республикада банк тизимини ривожлантириш ва аҳолига қўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш бўйича Президентимиз томонидан белгилаб берилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада Марказий банк Андижон вилояти Бош бошқармасида амалга оширилаётган ишлар ҳам кўпчиликка ўрнатилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси вилоятда мавжуд бўлиб, уларнинг тасарруфидagi 69 та шахар ва туман филиаллари томонидан аҳоли, ҳўжалик юритувчи субъектларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келинмоқда. Михозларга қўлайликлар яратиш мақсадида, вилоят ҳудудида 129 та минибанклар ташкил қилинган. Ушбу минибанкларнинг 66 таси банк ташаббуси билан, 63 таси эса ҳўкумат қарорига мувофиқ тўғатилган ширкат ҳўжаликлари негизда ташкил этилган. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида тижорат банкларига тегишли 265 та махсус кассалар ҳам фаолият юритмоқда.

Минибанклар ва махсус кассалар талаб даражасида ташкил этилган бўлиб, уларда мижозларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Вилоятда самарали пул-кредит сўбатини юритиш, нақд пул маблағларининг банктдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга ва банк акцияларига кенг жалб қилиш ҳисобига

ўринлари барпо қилинди. Жорий йилнинг 4 оyi мобайнида тижорат банклари кичик бизнес субъектларига ўз маблағлари ҳисобидан 17 миллиард 569 миллион сўм миқдорда кредит берди.

Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан шу йилнинг ўтган 4 оyi мобайнида 529 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, унинг 50,4 миллион сўми деҳон, фермер ҳўжаликлари уюшмаси, 478,4 миллион сўми "Иш билан таъминлаш" мувофиқ тўғатилган ширкат ҳўжаликлари уюшмаси ҳисобига тўғри келади.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳдон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни юритмоқда.



банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, уларнинг кредит бериш имкониятларини, инвестиция жараёнидаги иштирокларини кенгайтириш юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2007 йилнинг 1 май ҳолатига аҳоли омонатлар қўлади ҳисобидан 6 миллиард 667 миллион сўмга ортиб, 38 миллиард 711 миллион сўмни ташкил қилди. Банк муассасалари томонидан жорий йилнинг январь ойи давомида коммунал тўловлар учун қабул қилинган маблағлар миқдори эса 11 миллиард 65 миллион сўмдан ошиб кетди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан жорий қилинган пластик қарточкалар 203 минг, ўрнатилган терминаллар сони 880 донага, қарточкалар 57 минг донага, терминаллар 200 донага ортганини кўрсатади.

2007 йилнинг январь-апрель ойлари мобайнида пластик қарточкаларга ўтган маблағ 9 миллиард 358 миллион сўмни ташкил қилди ва бу қўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида тушган маблағдан 3 баробар кўпдир. Шу даврда банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги 150 миллиард сўмни ташкил қилди.

Вилоятда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қўлайликлар яратиш борасида ихобий ишлар олиб боришмоқда. Бу борада банк муассасалари 2006 йил мобайнида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб, ўз маблағлари ҳисобидан 50 миллиард 962 миллион сўм кредит ажратди. Бунинг натижасида жойларда 6560 та янги иш

Вилоятдаги банклар фаолияти билан танишар эканмиз, давлат-тижорат Халқ банки Андижон вилоят филиалининг одамлар ишончига сазовор бўлаётганлигига амин бўлдик.

Филиалда 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталган муносабати билан махсус Дастур ишлаб чиқарилган ва вазифалар белгилаб олинган. Хусусан, аҳоли-



Иқтисодимизнинг жадал ривожланиши, қўлай макро-иқтисодий шароитлар Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки Андижон бўлимининг ҳам муваффақиятли ишлаши учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Шу боис тадбиркорликни, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, мижоз билан ишлаш усулларини такомиллаштириш ва хизматлар сифатини оширишдек муҳим вазифалар кўнгилдагидек адо этилди. Шунингдек, бозор ва мамлакат иқтисодиётини ялпи ривожлантириш шароитида банкнинг бизнес субъектлар-



Қарз узилади... ускуналар фойдага қолади

га кредит беришга доир фаолияти кенгайтиди.

Банк бўлимида кредит портфели миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Масалан, 2007 йил давомида 1826,4 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, кредит қолдиғи 8518,5 миллион сўмни ташкил қилди. Бу қўрсаткич шу йилнинг 3 оyi давомида 404,7 миллион сўмни ташкил қилди ёки 5 фоизга ортди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йилда Тошкент шаҳрида "Агроминтех - 2006" халқаро кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда андижонлик тадбиркорлар, ҳўнармандлар, фермерлар ҳам фаол иштирок этишди. Банкнинг бевосита кўмағи билан андижонликлар қўллаб қўмбайн, трактор, юк ташувчи машиналар, замонавий мини-технологиялар ва ихчам ускуналар харид қилишди.



Одатда, корхоналар ўз ишлаш йўлга қўйиб, махсулотларига талабдорлар доирасини андижонликлардан сўнг кенг қўламда фаолият кўрсата бошлайди, - дейди банк бўлими бошқарувчиси Ғофуржон Абдурахмонов. - Бунинг учун улар турли дастгоҳлар, мини-заводлар, замонавий жиҳоз, ускуналар ва хом ашё сотиб олиш учун маблағга эҳтиёжманд бўлиб қоладилар. Биз бундай шароитда тадбиркорларга энг яқин кўмакчи бўлиб келмоқдамиз. Масалан, яқиндагина "Навигул" кичик корхонасига 51,6 миллион сўм кредит бердик. Натижада бу корхонада олға силжиш рўй берди.

Бевосита банк кўмағи билан Андижонда ўз қаддини ростлаб, аввалги доғруғини тиклаб олаётган корхоналар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ўриналиди. Шундай корхоналар сирасига банкдан 50,0 миллион сўм кредит олган Электроника заводини киритиш мумкин. Олинган қарз ҳисобига бу корхонада нафақат махсулот ишлаб чиқариш сифати ва ҳажми ошди, балки яна қўшимча равишда 105 та

янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, вилоятдаги "Автосервис-савдо" корхонасига 200,0 миллион сўм, "Асакаёғ" ХХҗа 500,0 миллион сўм, "Дори-дармон" ХХҗа 150,0 миллион сўм маблағ ажратилди.

Банкнинг тараққиёт сари дадил қадам ташлаётганлигини яна бир қатор мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, шу йилнинг дастлабки уч оyi ҳолатига қўра, омонатларга аҳолининг 5256,9 миллион сўмлик маблағи жалб қилинди. Бундан ташқари, шу давр мобайнида 21234 нафар ҳодим иш ҳақларини пластик қарточкалар орқали олиш йўлга қўйилди. Шунингдек, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, савдо сервис шохбўчалари орқали 522,4 миллион сўмлик товар айланиши амалга оширилиб, бу борадаги вазифа 209,8 фоизга удаланди. Қолаверса, "Шахсий ёрдамчи, деҳдон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида йилнинг январь-март ойларида банк ўз маблағи ҳисобидан 72,5 миллион сўм кредит ажратди. Энг муҳими, Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг Андижон бўлими томонидан берилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини тараққий эттириш, ишлаб турган корхоналар модернизациясини молиялаш ва янги, самарадор корхоналарни ташкил этиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдек муҳим вазифаларни бажаришга йўналтирилмоқда. Бу эса ҳозирдан қўра самарасини бермоқда.

Йилнинг шiori:

Бош мақсад — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бекалар учун янги иш ўринлари

Ўтган йилнинг май ойида Президентимиз "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Натижада, мамлакатимизда микросармоялашнинг мукамал тизими явулда келди. Барча ҳудудларда, айниқса, табиий ресурсларга бой бўлган узок қишлоқ ва овуларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳдон ҳўжаликлари-га микрокредитлар ажратиш, уларга кенг қўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатиш, микрофирмаларни, оилавий бизнес ва касаначиликни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларни амалга оширишга кенг қўламда киришилди.

Ушбу вазифалар ижроси "Микрокредитбанк" жамоасининг асосий вазифасига айланди. Бу ерда ўтган қўра вақт ичида мақтовга эришувчи ишлар амалга оширилди. Айниқса, микрокредитлар ажратиш, минибанклар тармоғини жадал ривожлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Эришилган муваффақиятларда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Андижон вилояти филиали жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Жорий йилнинг биринчи чорағи давомида режадаги 541800000 ўрнига, 816 500 000 сўм микрокредитлар ажратилишига эришилди. 150 нафар мижозга 380 миллион сўмлик лизинг хизмати қўрсатилди.

Жўмладан, Асака туманидаги "Шамс" хусусий фирмасига полиграфия ускунаси, Булоқбоши туманидаги "Булоқбоши дури" хусусий корхонасига тикув дастгоҳлари, Андижон шаҳридаги "Мева-сабзавотларни қайта ишлаш" корхонасига меваларни қуришти ускунаси сотиб олиб берилди.

Бозор иқтисодиётининг асосий талаби - ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлашдан иборат, - дейди банк филиали бошқарувчиси Дилшод Сатторов. - Шу боис, банкимиз оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни раванк топтириш учун барча чораларни ишга солмоқда. Амалиёт шуни кўрсатиб турибдики, бугун тадбиркорлар кредит маблағларига ҳар қачондир



дан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезаётир. Бу ҳолат мамлакатимизда меҳнат қилишга тайёр, қўлидан яратувчилик қаладиган инсонлар жуда кўп эканлигидан далолатидир.

Еш, талабчан, ўз ишининг фидойиси бўлган Дилшод Сатторовнинг "Микрокредит банкнинг Андижон филиалида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасда, бевосита унинг ташаббуси билан олиб боришган ташвиқот-тарғибот ишлари боис одамларнинг банкка бўлган ишончи ортди. Шу боис, мижозлар сони ўтган йилда 5462 та бўлган бўлса, бугунга келиб бу қўрсаткич 7500 тага етди. Қўқаси, "Микрокредитбанк" кенг тадбиркорлар доирасини, қолаверса,



Хизмат бевосита маҳалланинг ўзида

ни ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа пулларини ўз вақтида етказиш режаси тайёрланган. Режага мувофиқ нафақа пуллари ҳар ойнинг 20 санасигача эғаларига тарқатилади. Ҳозир шу мақсад учун оyiга 2609,9 миллион сўм маблағ 139698 нафар оилага берилмоқда.

Халқ банкининг барча шахар ва туман филиалларида аҳолига қўлайликлар яратиш мақсадида нафақа пулларини тарқатувчи 54 та сайёр касса ташкил этилган. Биз Андижон шаҳридаги "Ғайрат" ва "Каландархона" маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашганимизда, ушбу кассалар фаолият-

ти йўлга қўйилиши нафақа олувчилар учун аини муддао бўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Андижон шаҳрида банк томонидан коммунал тўловларни йиғиш учун ҳам "Дамас" русумли автомобилга жойлашган сайёр кассалар ташкил этилган. Бундан ташқари, табиий газ, электр энергиядан қарздорликни тўғатиш мақсадида 84 нафардан иборат ишчи ғруҳи тўғилган. Улар нафақат тўловларни йиғади, балки тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам олиб боради. Бу ҳолат эса тўловларнинг ўз вақтида ундирилишига, нақд пул тўғушнинг ошишига замин бўлмоқда.

Биз қатор ташкилот ва корхоналар билан шартномалар тузганимиз, - дейди филиал бошқарувчиси Ойбек Зулунов. - Шартномага мувофиқ 18 та ташкилот ҳодимларига ҳам 69565,0 минг сўмлик иш ҳақлари ўз вақтида берилди. Шунингдек, банкимиз томонидан Булоқбоши, Бўз,

Қўргонтепа, Хўжаобод, Хонобод туманлари ва Андижон шаҳри филиаллари томонидан бюджет ташкилотларга иш ҳақи бериб келинмоқда.

Банк ўз олдида тадбиркорлар учун қўрсатилаётган хизмат турларини савиясини янада ошириш, уларнинг ҳажмини кенгайтириш, фаолиятининг асосий қўрсаткичларини бир меъёрда, доимий ўстириб боришни мақсад қилиб қўйган. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, филиалнинг жами кредитлар қўйилмаси 4753104,3 минг сўмни ташкил этгани ҳам юқоридаги фикрларни исботлаб турибди.

Умуман олганда, банкнинг 16 та филиали бўлиб, уларнинг таркибида 9 та минибанк, 139 та шохбўча ва 26 та махсус кассалар мавжуд. Улар орқали эса 4848 ҳўжалик юритувчи субъектларга аъло даражада хизмат қўрсатиб келинмоқда. Ҳозир банкнинг даромад келтирадиган активлари 9519,9 миллион сўмни ташкил этапти. Демак, банк ривожланиш босқичига аллақачон қадам қўйган. Биз ҳам ана шу одимнинг қўлғу бўлишни истаб қоламиз.



"Қўмакка тайёرمىз, тадбиркор!"

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Андижон минтақавий филиали қўлга киритган асосий ютуқлар сирасига мижозларга қўрсатилаётган хизматларнинг кенгайтирилиши, пул маблағларининг тезкор ўтказмалари бўйича хизмат турлари ҳамда кредит ажратиш ҳажмининг ўсишини, пластик қарточкалар бўйича ҳисоб-китобларни жорий этишининг тезлаштирилишини киритиш мумкин. Аини пайтда банк тасарруфидagi филиаллар 2000 дан ортиқ ҳўжалик субъектларига хизмат қўрсатмоқда.

Шу йилнинг ўтган 4 оyi мобайнида кредит қўйилмалари 10 миллиард 750 миллион сўмдан ошиб кетганлиги ҳам бу ерда ишининг намунали ташкил этилганлигидан далолатдир. Шунингдек, ўтган вақт мобайнида 2 миллиард 343 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, банк томонидан тақсимилаётган кредитлар асосан саноат ва қурилиш соҳасига йўналтирилган. Натижада қишлоқ ва шаҳарларда янги-янги ўқув даргоҳлари, корхоналар қад ростлади. Булар сирасига Олтинқўл тумани Хондобиғи қишлоғидаги 540, Шаҳрихон тумани Полосон қишлоғидаги 720, Балқич тумани Сиза аҳоли яшаш манзиллидаги 540, Жалақудуқ тумани Ерқишлоқ манзиллидаги 540, Қўргонтепа тумани Султанонобод қишлоғидаги 450 ўринли касб-ҳўнар коллежларини киритиш мумкин. Бу хайрли тадбир аини пайтда ҳам давом эттириляётир. Ўтган йилнинг сўнгги чорағи ва 2007 йилда касб-ҳўнар коллежлари ва мактаблар қурилиш учун банк томонидан Молия вазирлиғи имтиёзли ресурслари ҳисобидан 1085,7 миллион сўм маблағ ажратилганлиги ҳам сўзимизнинг исботидир. Ана шу маблағлар ҳисобига Булоқбоши, Қўргонтепа, Балқич, Избоскан туманларида замонавий, барча шарт-шароитларга эса коллеж ва мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса минг-минглаб ёшларнинг ёғу ва кенг ўқув даргоҳларида таълим-тарбия олишига имкон яратилди, дегандир. Шунингдек, банк томонидан ўтган давр мобайнида 54 нафар талаба-ёшларга 47457,0 минг сўм миқдорда таълим кредити ажратди.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ўтган йил охирида "Имкон-келажак" масъулияти чекланган жамяятга озик-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 200 миллион сўм кредит берилди. Аини пайтда бу ерда 86 киши фаолият кўрсатиб, улар ҳар кўни 5 тонна махсулот тайёрлашга эришмоқда. Умуман олганда, шу йилнинг 1 чорағи давомида 76 та бизнес субъектларига 1015,2 миллион сўм пул ажратилди. Қўварлиси шундаки, банк томонидан берилган кредитлардан мижозлар унумли фойдаланиб, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Жамоамизда соғлом муҳит ҳўкморн, - дейди минтақавий филиал бошқарувчиси Ўлибек Юсупов. - Шу боис мижозларимизга юқори савияда хизмат турлари қўрсатилади. Мижозлар билан ишлаш, уларга ҳўжжат тайёрлашдан тортиб, кредит олгунга қадар бўғудимнинг асосий вазифасига айланди. Бу ҳолат эса мижозлар сонининг қўйилишига, одамларнинг банкка бўлган ишончи ортишига замин бўлмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини мумкин қадар омонатларга қўпроқ жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Йилнинг биринчи чорағига келиб аҳолининг банк жамғармаларига қўйган омонатлари қолдиги 2210 миллион сўмни ташкил этди. Бу қўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги натижалардан 819 миллион сўм кўп пул омонатга қўйилганлигини исботлайди. Янги сардорлар омонат турларининг қўйилиши, ташвиқот-тарғибот ишларининг яқши йўлга қўйилганлиги ҳам аҳолининг бўш пул маблағларини жамғармага жалб этишда асосий омиллардан бирига айланди.

Банкда пул тўғушмини кўпайтириш, коммунал тўловларни вақтида ундириш каби долзарб вазифалар ҳам кўннинг муҳим вазифаси этиб белгиланган. Ҳозирда вилоятда банкнинг 5 та жамғарма кассаси, ҳудудларда коммунал тўловларни қабул қилишга мослаштирилган 8 та махсус кассаси ҳамда 4 та халқаро пул ўтказмалари кассалари фаолият кўрсатапти. Яратилган шароитлар боис шу йилнинг биринчи чорағида коммунал тўловлар учун 353 миллион сўм маблағ кириш қилиниб, тегишли идоралар ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди. Бундан ташқари йил давомида халқаро пул ўтказмалари бўйича 6016 нафар жисмоний шахсга хизмат қўрсатилиб, уларга 3504 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ тўланди.

Хуллас, бу ерда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун ишлайди, хизмат қилади", тамойилига тўлиқ амал қилинмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Бундан анча йиллар муқаддам қишлоқда яшовчи таниш бир олимнинг хонадонига кираёб 16, гапнинг рости, менинг кўнглимдан шундай ўйлар кечди: "Қизик, илмий, яна олим одам, хонадонига кираверишдаги йўлакка узун айвон қуриб, катта-кичик тўрт-беш бош мол боғлаб қўйибди. Зийли кишининг мол етаклаши шартми-кан?"

Мен билан ҳамроҳ бўлган киши эса қаддон дўсти билан қучоқ очиб қўришган, ичкарига одимларкан, дилидагини яширмай тилига чиқарди:

Рўзғор баракаси

—Мол боғлашга топган жойингни қара. Олим бўш келмади, жавобини нақд қилди: —Энди, дўстим, камбағалнинг моли бурнининг устида турмаска бўлмайди.

Меҳмонхона ниятда дид билан жиҳозланганини кузатиб, боягина кўнглимдан ўтган ўйдан хижолат тортидим. Тўрт томони тенг қилиб қўрилган мухташам хонанинг тўридаги замонавий жавонда минглаб китоб тахтамлари, яна бир бўлағида Хитойнинг чинни буюмлари, бурчақдаги курсида рангли телевизор, унинг ёнида видеомагнитофон...

Хал ўтмай уй бекаси Салтанат опа мезбонга хос илтифот кўрсатиб, дастурхон ёзди. Сўнг турли-туман ноз-неъматлар келтириб қўйди. Мезбон касаларни олдимизга қўяётди, кулиб деди:

—Қани, мана бу қаймоқдан тотиб кўринглар-а. Ҳос илтифот кўрсатиб, дастурхон ёзди. Сўнг турли-туман ноз-неъматлар келтириб қўйди. Мезбон касаларни олдимизга қўяётди, кулиб деди:

—Оббо, — деди олимнинг дўсти қаймоққа нон ботирибди, — мол боқишга оид ташвиқотга ҳам тўн кийдириб юбординг-ку.

Тулпорнинг садоқати

Ёшлигидан чавандозлик қилган Умрзоқ ота умри давомида нақ бир юз йигирма от минганини тўлқинлаб айтиди.
— **Одамнинг қаноти, вафодор жонивор, хавф-хатардан сақлайди, — дейди у отлар ҳақида сўз кетса.**
Бир кунги кекса чавандоз шу воқеани сўзлаб берди.

—Ховлида дарахтларга суя таратардим, — ҳўқая қилди у. — Бир маҳал боғловда турган отимга кўзим тушди. Жонивор бошини қимирлатиб "тезроқ кел, тезроқ", деяётгандек ўзи томон имларди. Жуда ажабландим, отнинг боши билан имлашини биринчи қўришми эди-да. Бир кафитими пешонамга соябон қилиб яхшилаб қарадим. Не кўз билан қўрайки, икки яшар бола от думидан тор-

Минг айт, юз айт, мени болаликдан биласан-а, бирор марта мол етаклаб, арқон ушлаган эмасман.

Олим жилмайганича беғараз дашном берди:

—Хали вақти-соати келиб мол етакларсан ҳам, арқонни ушларсан ҳам. Ҳозир ойлик маошинг етаетгандир. Бола-чақа улғайган, орзу-хавас кўпаяди. Бирини уйлаб, бошқасини чиқаришинг керак. Ана шунда яна бир фойда келтирадиган юмушнинг эатигдан тутишинг аниқ.

Оддий ва камтар зийли, бир вақтнинг ўзида аниқ фан бўйича изланишлар олиб бориб, номзодлик химоясини муваффақиятли ёқлаб ҳам қишлоқ мактабиди, ҳам олийгоҳда фаолият кўрсатаётган олимнинг ҳаётни, давр шиддатини олдиндан қанча-

лик теран идрок этганлигига бугун, орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, имон келтирмоқдам.

Олимнинг ўша дўсти нафақага чиққан, айнан чорвачилик билан шугулланаётганига нима дейсиз?! Бу ҳеч қандай илмий башорат эмас, ҳаёт оқими давомида истиқболга бошловчи соҳани тўғри танлай билишда эмасми.

Чиндан ҳам эндиликда чорва билан шугулланиб, рўзғорига кут-барака киритаётган, кўплаб орзу-хавасларини бекаму кўст рўёбга чиқараётган хонадонлар бизда оз эмас. Не бахти, одил ҳукуматимиз тадбиркорликни изчил йўлга қўйиш учун ҳамма зарур шарт-шароитлар, қулай имкониятлар яратмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу соҳани юксалтириш йўлидаги муҳим дастуриламалдир.

Ишбилармонми, марҳамат, бирор нарса ишлаб чиқарсан ёхуд чорвани кўпайтирсан, асл деҳқон бўлса ер олсин, бунёдкорлик билан машғул бўлсин. Шунда оилаларга кут-барака қиради, муҳими кўнглилар тўқ бўлади, муқтақил юртикчи янада фаровонлашади.

Қувонишга етарли асослар бор. Чунки боқимандалик иллатининг илдиэлари чирий бошлади. Унга суяниб қолганларга эса энди тўзим берсин.

Собиржон ИНОМОВ,
журналист.

Кенжа ботирининг томошалари

Автомобилларни сочи билан шатакка олган полвон

Баҳор кунларида Косонсой марказидаги ўйингоҳга тумонат одам тўпланган, бу орад қизиқарли спорт томошалари кўрсатилаётганди.

Майдонга бир-бирини шатакка олган ўта "Нексия" кийиб келди, аммо уочивнинг ҳам "тир" этган товуши эшитилмасди. Уларни арқонни сочиға турмаклаб олган бир киши тортиб, ҳаракатлантириб келар, унинг ортидаги автомобиллар "карвони" ўйинчоқ мисоли ғилдираб борарди. Ўйингоҳда гулдурос қарсақлар янгради.

—Ха-е, Исом полвонга бу нима бўпти, — дейди косонсойлик танишлардан бири. — Сочи билан юк тула "ЗИЛ"-ни судаб моторини ўт олдириган.



Халқ спорт ўйинлари

Баланд бўйли, келбатли бу пахлавонни Наманганда Исом полвон Қайумов дейишди, у бир пайтлар Косонсойда ном қозонган Абдурахмон полвоннинг кенжаси эди.

—Абдуқаюм полвондан қилинганда уч ўғил қолди. Тўнғичи Абдуқасим 16 ёшида майдонга тушди ва 40 ёшда етгунча кураги ерга тегма-

ди. Ўртанча ўғли Маллаов яққабилас эди. Беллашувга чиққан кишини ойдон синиб бўлган, унинг бир ҳақиқиригидан сўнг чаппа тушган рақиби "юлдуз санаб" қоларди. У оғани ботириларнинг кенжаси Абдурахмон полвоннинг лақаби "Алломши" бўлди. 14 ёшидан бошлаб ўттиз йил марду майдонлик қилди.

Ота-бувалари полвон ўтган ака-ука Исом ва Исом бу касбини улғулаб, кураш сирларини ўргандилар. Шу билан бирга, тишда тош қўтариш, масхарабозлик, дорбозлик, кўз бойлоқчилик, илон ўйнатиш, йоға усулларини ҳам пухта ўрганишди. Билалар қуввати ёнига ақлий ва руҳий куч қўшилди. Ахир ёниб турган оловдан "тамадди қилмок" ёки найзадор шиша-лар устида оёқланган ўйнамок учун жисмоний кўчига кифоя эмас, бунга руҳий қувват зарур.

Ака-ука полвонлар ўттиз йилдан буён олоҳида труппа ташкил қилиб, юртимизнинг турли шаҳару туманларида элга томоша кўрсатиб келишди.

Бог ўртасига дор тикилган, Исомжоннинг беш яшар қизи бош бармоқдай келади-

ган арқон устида товусдай йўрғалайди. Карнай-сурнай, дўнбара овозлари янграйди, арқон устида қизалоқ сакраб-сакраб боради...

Айни пайтда Исом полвоннинг кенжа ўғли "Олимпия заҳиралари" спорт мактабиди ўқитпти. У ҳам дор усулларини яхши билади, йоға билан шугулланади. Тўрт яшар набираси Бегийим "хаво гимнастикаси"нинг ҳадисини олган. Ҳали бир ёшга тўлмаган набираси Шохжаҳон бобосининг қафтида "қилт" этмай тикка туради.

Тажрибали устоз Исом полвон ёшларга бу улғу касб сирларини ўргатиб, шоғирдлар тайёрлапти. Ундан сабоқ олган Мансур полвон, Аҳмад полвон аллақонан эл оғизга тушиб улғуришган. Халқона айтганда, ҳар қафтида тўрт гурузининг завлари бўлган Исом полвон чиройли спорт томошалари билан хали кўп давраларга файз қилгатида, кўплаб шоғирдларга устозлик қилади.

Рустамжон УММАТОВ.
СУРАТДА: Исом полвон томошаларидан лавҳа.

Наманган вилояти

SPORT O'LAMIDA

Чемпионат қизгин паллада

Сўнгги йилларда бу жамоаларнинг ўзаро ўйинлари гоҳ у, гоҳ бу жамоанинг ғалабаси билан тугаётган эди. Кечаги баҳсда ҳам ҳар икки томон ҳужумкор футбол намойиш этди. Афсуски, ҳисоб ўйинга яраша яқун топмади. 89 дақиқа "Пахтакор" билан тенгма-тенг кураш олиб борган "Насф" уч дақиқа ичида ўз дарвозасидан 3 та тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Уйин давомида қаршиликлар "Пахтакор" дарвозабони Игнатий Нестеровни ҳар томонлама асанқиратиб қўйишди. Аммо тажрибали посбон дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қололди. Яқунда Солиев, Ихероие, Жепаров голлари "Пахтакор"нинг муҳим ўчрашувдаги ғалабасини таъминлади.

Бухородаги марказий ўйингоҳда ҳам қизиқарли ўчрашув бўлиб ўтди. "Андижон" жамоасини қабул қилган Усмон Тошев шоғирдлари 16-чемпионатда мазмунли ўйин кўрсатаётган жамоанинг "танов"ини тортиб қўйишди. Ҳисоб - 2:1.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Трактор" - "Шўртан" - 2:0, "Машъал" - "Металлург" - 5:1, "Қизилқум-Олтин" - "Локомотив" - 1:0, "Тўпалан" - "Қурувчи" - 1:2, "Самарқанд" - "Д" - "Вобкент" - 1:0.

Биринчи лига жамоалари ҳам 12-тур ўчрашувларини ўтказишди.

"Галлакор" - "Сўғдиёна" - 0:4, "Катта-қўрғон" - "Оқтепа" - 4:1, "Локомотив БФК" - "Цементчи" - 0:0, "Қимёгар" - "Ўздонжў" - 0:3, "Хоразм" - "Шўрчи-Лочин" - 3:1, "Жайхун" - "Машъал" - 2:2, "ОТМК" - "НБУ-Осиё" - 1:1, "О.Ақбаров" - "Шайхонтохур" - 2:1, "Косонсой" - "Зарафшон" - 1:1, "Шахрихон" - "Ромитан" - 4:1.

ФОРМУЛА-1

Жамоадорлар етакчи

"Формула-1"нинг бешинчи босқичи, Монако Гран-при мусобақалари якунига етди. Бу галги мусобақаларнинг эътиборга молик томони, асосий ўринларни "McLaren" жамоаси шарафини химоя қиладиган спортчиларнинг ғолиб чиқгани бўлди. Икки қарра жаҳон чемпиони, испаниялик Фернандо Алонсо маррага биринчи бўлиб келган бўлса, англиялик Люис Гамильтон иккинчи погонани эгаллади. Фергати вакили Фелипе Масса етакчилардан бир дақиқа ортда қолиб, учинчи ўринга лойиқ қўрилди.

Алонсо старта биринчи, яъни "пол-позишн" чизилган ҳаракатланди ва пойганинг

охиригача етакчиликини қўлдан бой бермади. Фоллантидаги 17-ғалабани нишонлаган Алонсо умумий жаҳвали 38 очко би-

лан бошқариб турибди. Худди шунча очко жамлаган Луис Гамильтон жамоадоридан сўнг иккинчи ўринда турибди.

ЯШИЛ МАЙДОН ЮЛДУЗЛАРИ

Бекхэм терма жамоага қайтди

Дэвид Бекхэм муқимлирини унинг яна терма жамоа сафидаги ўйинларидан баҳра олишадиган бўлди. Англия Футбол Ассоциацияси расмий сайтнинг хабарига кўра, терма жамоа бош мураббийи Стив Макларен "Реал" аъзосини Бразилия ва Эстонияга қарши ўтадиган ўйинларга жалб қилган.

Бекхэм ўтган йили Германия яшил майдонларида бўлиб ўтган муңидлаги мағлубиятли ўйиндан бери терма жамоа таркибиди тўп сурмаётганди. Жаҳоннинг энг қўзға қўзған юлдузларидан бири асосий жамоадаги ўрини мураббийи Стив Макларен келган йўқотиб қўйганди.

—Эстонияга қарши сафар ўчрашувда Дэвидбек жаҳон даражасидаги футболчи бизга ёрдам бера олади, — деб айтиб ўтган Стив Макларен.

Эспатиб ўтмиш, Бекхэм Англия терма жамоаси либосида 94 та ўчрашувда майдонга чиққан.

Суннатилла ИСЛОМОВ

ООО "SELXOZMASH TEXTIL" (код по ОКПО 21462779) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 390 684 000 сум до 248 502 800 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Юнусабадский район, ул.Ж.Абдулова, 160. Тел.: 327-25-81.

Утерный гос.ордер № 21-01/256 от 05.04.2004 г. права собственности на квартиру на имя Тухтаевой Елены Владимировны, считать действительным.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Абдуллаев Серикбай Сапаровнинг номига берилган О'ТА № 266979 рақами аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яксарой тумани ИИБ томонидан ЧП "HIOLA" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номидидаги Тошкент Давлат Педагогика университети томонидан 2006 йили Ганиева Мамура Абдурабуровна номига берилган О'Т № 001119 рақами диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент педагогика коллежи (собиқ Крүтская номидидаги педагогика билим юрти) томонидан 1990 йили Мажидаова Маъсуда Назиржановна номига берилган № 898530 (руйхат рақами № 15759) рақами диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерный диплом В № 223355, выданный 2005 г. Ташкентским Государственным институтом искусств им.М.Улугу на имя Ганиевой Мамуры Абдурабуровны, считать действительным.

Утерный гос.ордер № 21-01/254 от 05.04.2004 г. права собственности на квартиру на имя Тухтаевой Елены Владимировны, считать действительным.

Утерный гос.ордер № 21-01/255 от 05.04.2004 г. права собственности на квартиру на имя Тухтаевой Елены Владимировны, считать действительным.

ООО "SKONO BUSINESS" Бектемировского района г.Ташкента ликвидирована. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: м-в Волк, 35/136.

ЧФ "G.O.U.B" (код по ОКПО 1736823) зарегистрированный в Зангиотинском районе Ташкентской области преобразуется в ООО "G.O.U.B". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 708-48-84.

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобуслари соғати.

Ҳақ тўлаш истаган усулда!

Махсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Ўткир РАХМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротрансоти комплекси таркибидидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Кабулхона - 136-58-83	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-366-22-606-52; Самарқанд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Сурхондарё - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар ① - тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Д. УЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчилар: Р. ЕДГОРОВ, А. САФОНОВ Мусахҳих: Х. ТОШХУҲАЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.							
Газета сешанба, пайшанба ("Халқ" - илова), жума кунлари чиқади.							
Буюртма Г-417, ҳажми 2 босма табоқ.							
Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.							
Босишга топшириш вақти: 21.45. Босишга топширилди: 22.20. Адади - 17910							
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.							
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.							
2 3 4 5 6							